Ушбу сонда:
2 ТАШАББУС СЎНМАСИН, ТАШАББУС ЎЛМАСИН!
3 «Ишонч» бонг уради. ОЙЛИК МАОШ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?
4 КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 сентябр, сешанба №141 (973)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ДИЛШОДНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

**Сиднейда ўтказилаётган Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик Дилшод Орипов юнон-рим кураши бўйича бўлиб ўтаётган мусобақаларда қозоғистонлик Олимпия чемпиони Юрий Мельниченко устидан ғалаба қозониб, мусобақаларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.**

Афсуски, дастлабки беллашувларда ғалабага эришган Руслан Биктяков ва Юрий Витт иккинчи учрашувларда мағлубиятга учради.

Ҳамюртимиз Баҳодир Қурбонов ярим финал мусобақасида исроиллик Чачи Акаакига ютқазиб қўйди ва эндиликда у бешинчи ўрин учун кураш олиб боради.

Бокс мусобақаларида ҳам чорак финал иштирокчилари аниқланди. Улар орасида ўзбекистонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев, Алишер Раҳимов, Рустам Саидов, Руслан Чагаев ва Сергей Михайлов бор.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ



***Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар хорижий давлатлардаги нуфузли илм даргоҳларининг намояндалари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Бу ўзгаришларнинг бошида турган Президент Ислом Каримов кўплаб обрўли академияларнинг фахрий аъзоси, университетларнинг фахрий доктори унвонларини олган.***

25 сентябр куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган тадбир мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли тўғрилигининг ва жаҳон афкор оммаси эътирофининг яна бир намойишига айланди. Шу йил 29 май куни Нидерландиянинг Фонтис университети илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентига «Фахрий доктор» унвони беришга қарор қилган эди. Маросимда мазкур университет президенти Норберт Фербраак Ислом Каримовга «Фахрий доктор» дипломини тантанали равишда топширди.

Фонтис университети 1949 йили ташкил этилган. У Голландиядаги олий касбий таълим берувчи муассасаларнинг энг йириги ҳисобланади. Фонтис сафига ўттиздан зиёд ўқув марказлари, институт, факултетлар бирлашган. Уларда уч мингга яқин мураббий 30 мингдан зиёд талабага амалий технологиялар, халқаро транспорт, иқтисод, молия, банк ва суғурта иши, соғлиқни сақлаш, санъат, психология каби талай йўналишлар бўйича таълим беради. Университетнинг нуфузи, илмий даражаси ва салоҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг йиллик бюджети 200 миллион евродан зиёд эканлигини айтишнинг ўзи кифоя.

Фонтис университети бир неча мамлакатда ўзининг бўлимларига эга. У илм-фанни ривожлантириш борасида Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби кўплаб халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайтда у Ўзбекистонда ҳам бир неча лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳа доирасида мазкур университетда Интернет билан уланадиган компьютер тармоғи барпо этилди, уни бошқариш учун мутахассислар хорижда тайёргарликдан ўтказилди.

Фонтис раҳбарияти Ўзбекистонга Президент Ислом Каримовга диплом топшириш билан бирга, бошқа хайрли ниятлар билан ҳам келган. Улар орасида Ўзбекистон-Голландия университетини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, мамлакатимиз таълим масканлари билан алоқаларни янада чуқурлаштириш мақсадларини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Илм-фан чегара билмайди. Бу ҳақиқат дунёда глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган ҳозирги пайтда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Маросимда таъкидланганидек, турли ўлка одамлари турлича шароитда ҳаёт кечиради. Масалан, Голландия ерининг 50 фоизи денгиз сатҳидан қуйида жойлашган, шу боис мамлакат аҳлини сув ҳайдаб ер очиш йўлидаги ўзига хос кураш жипслаштирган. Ўзбекистонда бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Бизда сув танқислиги муаммоси мавжуд. Лекин ҳар икки шароитда ҳам олимлар, мутахассислар бир-бирининг тажрибасидан фойдаланиши яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки, бу икки хил кураш аслида икки қутбга ўхшагани билан, уларнинг тартиби, тузилиши, фойдаланилаётган технологиялар, мазмуни деярли бир хил. Бу бир мисол, холос. Моҳият шундаки, илм-фан марказлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш катта натижаларга олиб келишини инобатга олган ҳолда, бу соҳадаги алоқаларни кенг ривожлантиришга киришишдир.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори Президент Ислом Каримов малакали кадрларсиз порлоқ келажакни тасаввур қилиш мумкин эмаслигини кўп бор таъкидлаган. Айни пайтда, мазкур дастурга мувофиқ, юртимизда таълим соҳаси кенг ислоҳ қилинмоқда, кўплаб янги коллеж ва лицейлар очилмоқда, талаба ва ўқувчиларимиз чет эллардаги нуфузли илм масканларида таҳсил олмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртлари хориждаги турдош илм муассасалари билан ҳамкорликни тобора ривожлантиряпти.

Фонтис президенти мамлакатимиздаги ана шу ўзгаришларни таъкидлар экан, Ўзбекистонни изчил равишда янги демократик жамият қурилиши йўлидан бошлаб бораётгани, ўз асарлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшаётгани учун Ислом Каримов шундай юксак унвонга сазовор бўлганини таъкидлади. Яна бир муҳим жиҳатни таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Президенти Фонтис университетининг фахрий докторлик унвонини олган ягона давлат раҳбаридир.

Ислом Каримов бу унвон Ўзбекистон эришаётган ютуқларнинг яна бир эътирофи эканлигини қайд этар экан, айни пайтда таълим соҳасидаги улкан ислоҳотлар самараси, бу ислоҳотларни амалга ошираётган инсонларнинг меҳнати, мамлакатимизнинг ақлий салоҳияти, ўзбекистонликлар юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг илмий меросини асраб-авайлаб, ўрганиб, ривожлантираётгани халқаро миқёсда тан олинаётганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, Президентимиз ўзига «Фахрий доктор» дипломининг тақдим этилишини янада яқинроқ ҳамкорликка таклиф, деб билишини ва Фонтис раҳбариятининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан, Голландия мисолида кўриш мумкинки, ҳар қандай тараққиёт, қудратли иқтисодиёт асосида ақлий бойлик ётади. Таълим соҳасига ётқизилган сармоя вақти келиб ғоят катта самара беради. Ўзбекистонда бюджетнинг учдан бир қисми таълим соҳасига сарфланаётгани, имкон қадар кўпроқ ёшларимизнинг чет эллардаги нуфузли илм масканларига ўқишга жўнатилаётгани, мураббийларнинг тажриба алмашиш ва малака ошириш учун хорижга сафарлари уюштирилаётгани шундан. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги остида барча соҳалар каби, таълим, илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябр куни Оқсарой қароргоҳида Берлин шаҳрининг амалдаги бургомистри Эберҳард Дипгенни қабул қилди.***

Тошкент билан Берлин ўртасида 1993 йили ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди. Шундан буён икки шаҳар аҳли ҳар соҳада ҳамкорлик қилиб, тажриба алмашиб келади. Ўқувчилар, спортчилар, турли касб эгаларининг борди-келдилари кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, қурилиш, корхоналарни санация қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида яхши ҳамкорлик мавжуд.

Президентимиз Ўзбекистон ҳукумати Тошкент билан Берлиннинг ўзаро алоқаларини нафақат шаҳарлар, балки мамлакатлараро ҳамкорлик, деб билишини таъкидлади.

Берлин бургомистри қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга келишидан мақсад ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш имкониятларини ўрганишдан иборат эканлигини қайд этди.

Учрашувда Тошкент билан Берлин, шу орқали, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни 305 минг тонналик юксак пахта хирмони бунёд этиб, йиллик шартнома-режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизлар қўлга киритган бу катта ютуқ - пахта тайёрлаш режасининг сентябр ойида уддаланиши - Ўзбекистон пахтачилиги тарихида мисли кўрилмаган воқеадир.

Мен бу ғалабани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг, ўз ери, ўз мулкига эга бўлган деҳқонларимиз ғайрат-шижоатининг, барча вилоят аҳли меҳнатининг самараси, деб биламан.

Халқимиз сизларни пахтачилик илмини чуқур эгаллаган, илғор технология ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланиб, замонавий деҳқончилик мактабини яратаётган миршикор инсонлар сифатида юксак қадрлайди. Сўзи билан иши бир, доимо изланиб яшайдиган, ташаббускор андижонликларга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди. Айниқса, мамлакатимиз хирмонига яна камида 30 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганингиз ҳар қанча олқишга сазовордир.

Ишончим комилки, сизлар пахтачиик ва ғаллачиликда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, барча соҳалардаги фидокорона меҳнатингиз билан халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Сиз, азизларни, барча андижонлик меҳнаткашларни бағримга босиб, ажойиб меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлайман. Ҳаммангизга узоқ умр, бахту саодат, хонадонларингизга тўкинлик, қут-барака тилайман.

Меҳнаткаш қўлларингиз асло дард кўрмасин, азиз дўстлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Мавсум қаҳрамонлари*

## БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ

Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек ажойиб удум бор. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мустақиллик байрами арафасида учинчи сессияси ўтаётган кунларда Шаҳрихондан хушхабар йўллашди. Тумандаги академик Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари 2000 йилги шартнома режасини қойиллатишган эди.

Орадан кўп ўтмай сентябр ойининг биринчи ўн беш кунлигида Асака ва Олтинкўл туманлари пахта усталари мамлакатда биринчи бўлиб дастлабки довондан ошдилар. Бугун эса яна бир ажойиб хушхабар — вилоят заршунослари Ватан хирмонига 305 минг тонна қимматбаҳо саноат хом ашё топшириб, ваъдага вафо қилдилар.

Мустақиллик андижонликларга ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини очиб берди. Тўққиз йил мобайнида вилоятда асрларга татигулик ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, деҳқончилик соҳасида улкан муваффақиятларга эришилаётгани қувончлидир.

Республикада биринчи бўлиб маррага етган вилоят деҳқонлари ғалабасига Асака, Олтинкўл, Андижон, Избоскан, Жалолқудуқ, Балиқчи туманлари миришкорларининг қўшган ҳиссаси айниқса салмоқлидир. Мазкур туманларнинг қатор хўжаликлари гектаридан 30,6-36,5 центнердан хирмон кўтардилар. Ўнлаб бригада ва юзлаб пудратчилар даласидан ҳозиргача олинган ҳосил чўғи ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 40-45 центнерданга етди. Теримчиларга ҳамма зарур шароит яратилгани, терилган пахтага вақтида ҳақ тўланиши, мавсум илғорлари муносиб тақдирланган кутилган самарани берди.



***Меҳнатга яраша рағбат ҳамиша муваффақиятга омил бўлади. Ана шу ҳақиқатга риоя қилинганлиги ўз самарасини берди.***

***Суратда: «Избоскан» жамоа хўжалигида уюштирилган меҳнат беллашуви ғолиби, учинчи бригада етакчиси Улуғбек Маматқуловга гилам топширилмоқда.***

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, изланган имкон топар экан. Масалан, пахтачиликнинг ўзидан 20 миллиард сўм даромад олиш кутиляпти. Бу деҳқончиликнинг илғор технологиялар асосида ташкил этилиши туфайлидир. Ҳозирги пайтда 192 та қишлоқ хўжалиги корхонасидан 139 таси ширкат усулида фаолият кўрсатяпти. Оила пудрати ва чек усули тўла жорий этилган. 1999 йилда 49 та хўжалик мулкчиликнинг шу шаклида фаолият кўрсатиб, барчаси фойда кўриб дивидент тарқатишга эришган эди. Бу эса жорий йилда ширкатларнинг кўпайишига, келгуси йилдан эса вилоятдаги ҳамма хўжалик шу усулда фаолият юритишига кенг йўл очди.

Кўзланган мақсадларга эришиш кишини янги марраларга чорлайди. Зафардан руҳланган андижонлик пахтакорлар терим суръатини бир зум ҳам пасайтирмаётирлар. Мамлакатимиз миқёсида ҳам бу борадаги режалар тезроқ удданишига ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Жадал ҳаракат сўнгги чаноқдаги момиқ йиғиштириб олингунга қадар давом этади.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ваъдага вафо марднинг иши. Бугунгача туманимиз бўйича режадаги 31,5 центнер ўрнига гектаридан салкам 35 центнердан хирмон уюлди. Давлатга 22 минг 350 тоннадан зиёд юқори навли пахта топширдик.

Эртаги пахта етиштиришда чигитни плёнка остига экиш хосияти катталиги яна бир карра исботланди. Асалхон Расулова, Сиёсатхон Абдуллаева, Муяссархон Болтабоева, Абдуҳалим Қодиров, Азизахон Ҳамдамова сингари тажрибали пахтакорлар меҳнати билан кўзланган хирмон барвақт тикланди.

Энг муҳими, жойлардаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолларининг саъй-ҳаракати, хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда ишни тўғри ташкил этганликлари туфайли теримчи ва ҳашарчилар унумли ишлашига керакли шароит яратилди. Моддий манфаатдорликка эътибор кучайтирилди. Меҳнатда ибрат кўрсатганлар шунга яраша рағбат кўрмоқдалар. Масалан, соҳада эришган муваффақиятлари учун «Намуна» ширкат хўжалиги раиси М.Ҳамроев телевизор, илғор пудратчи А.Расулова гилам билан тақдирландилар. Бошқа илғорларга аталган совға-саломлар ҳам эгаларига топширилипти.

**Қирғизбой САИДОВ,**
**Олтинкўл тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

## «ЧЎНГБОҒИШ» ФАРЗАНДИ

«Чўнгбоғиш» қишлоғида дунёга келиб вояга етган Муҳаммаджон Ҳамроқулов омади чопган инсонлардан. Бундай дейишимиз боиси шу қишлоқдан ажойиб инсонлар, пахта усталари, миришкор боғбону соҳибкорлар етишиб чиққан. М.Ҳамроқулов шундай табаррук одамлардан ибрат олиб эл назарига тушди, обрў-эътибор топди.

Мактабни тамомлаб, у қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач веттехник мутахассислиги бўйича ишлаш билан бирга олий ўқув юртида сиртдан таълим олди. Мана ўн йилдирки аввал «Чўнгбоғиш», ҳозир эса «Избоскан» хўжалиги бошқаруви раиси сифатида ишлаб келаяпти.

— Катта-кичик демай барча билан баравар муомалада бўлишга интиламан, — дейди М.Ҳамроқулов. — Албатта ишда тартиб, интизом биринчи ўринда туради. Муваффақиятларимиз омили шунга амал қилишимизда, деб биламан. Аҳил, ҳамжиҳатликда ишлаганимиз туфайли ҳамма соҳада режалар бажарилди. Хонадонлар газлаштирилди, тоза ичимлик сув билан таъминланди. Кўчалар асфальтланди, аҳоли турмуш даражаси ошди.

«Избоскан» хўжалиги ҳудудидаги 6 та қишлоқнинг ҳар бирида ўзига яраша муаммолар мавжуд. Уларнинг ижобий ечими эса аввало шартномавий режаларнинг муваффақиятли бажарилишига боғлиқ. Шуларни ўйлаб М.Ҳамроқулов тадбир белгилайди, иш юритади.

Мана, икки йилдирки «Избоскан» деҳқонларининг кайфияти чоғ. Бу йилги натижалар ҳам чакки эмас. 586 гектар майдонда пахта етиштирилди. 16 сентябр куни гектаридан 32,4 центнердан ҳосил олиниб, шартнома режаси бажарилди. Бугунга келиб ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Терим давом этаяпти.

— Янги раис келгач, моддий манфаатдорлигимиз яхшиланди, — дейди ижарачи Мирзажон Мирзаабдуллаев. — Дастлабки йили 300 минг сўм соф даромад олдик. Бу йил 500 минг сўмни мўлжаллаяпмиз. Ҳосилдорликни 50 центнерга етказдик. Далада мен, турмуш ўртоғим, уч ўғлим ва келиним ишлаймиз. Пудрат деҳқон учун энг қулай усул экан. Биргина мен эмас, хўжалигимиздаги жами 344 ижарачи унинг афзаллигини амалда кўраяпмиз. Худога шукр, деҳқон косаси оқарадиган кун келди.

Аҳил жамоа аъзолари йилни 230 миллион сўм даромад билан якунлашлари мўлжалланмоқда. Унинг камида 30 миллион сўмини соф фойда ташкил этади. Хамир учидан патир деганларидек пахта режаси бажарилиши муносабати билан 2 миллион сўм деҳқонларни тақдирлашга сарфланди.

«Избоскан» қишлоғида ўрта бўйли, истараси иссиқ инсон энди ғалла экишнинг боришини кузатяпти. У хўжаликнинг серғайрат, тиниб-тинчимас раҳбари — Муҳаммаджон Ҳамроқулов бўлади.

**Абдунаби ҚОРАБОЕВ,**
**Мирзажон ЮСУПОВ,**
**Избоскан тумани.**

## Сидней-2000

### РАҚАМЛАР ТЎРИДА

Сидней олимпиадасига тегишли рақамлар ушбу мусобақанинг қандай нуфузга эга эканини кўрсатиб бермоқда. Минг йилликнинг сўнгги олимпиадасида ўз мамлакати шарафини ҳимоя қилиш учун Австралияга келган спортчилар, мураббийлар ва жамоанинг бошқа вакиллари сони ўн бир мингни ташкил этади.

Мусобақа дастуридан 28 спорт тури ўрин олган бўлиб, улар йигирмата спорт иншоотида ўтказилади. Олимпиада хизматчиларининг сони эса юз-ўттиз мингга тенг. Улар таркибига қирқ етти минг кўнгилли, хомийлик шартномасига эга бўлган саксон минг киши ва уч ярим минг нафар ёлланма ходим киради.

Сидней спорт иншоотларини ихчам жойлаштириш бўйича ҳам рекорд ўрнатилди. Умумий ҳисобда бу иншоотларни барпо этиш учун 3,3 миллиард Австралия доллари сарфланган.

### АМЕРИКАЛИКЛАР РЕКЛАМАДАН ЗЕРИКДИ

АҚШда Сиднейдан олиб кўрсатилаётган олимпиада мусобақалари унчалик ҳам оммалашгани йўқ. Гарчи америкалик олимпиадачилар яхши натижаларга эришаётган бўлса-да, беллашувларни намойиш этаётган дастурлар рейтингги жуда паст.

«Эн-Би-Си» корпорацияси «Сидней-2000» ўйинларини намойиш этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун 750 миллион доллар сарфлаган. Лекин унинг кўрсатувлари рейтингги 25 балли тизимда 14 бални қайд этди, холос. Мутахассислар, бунга Америка билан «яшил қитъа» ўртасида ўн беш соатлик вақт тафовутини асосий сабаб қилиб кўрсатмоқда. Лекин бу ҳаммаси эмас. Бошқа сабаб спорт дастурларида реклама бениҳоя кўп берилаётганидандир. Аввалига рекламага бунчалик кўп вақт ажратиш режалаштирилмаганди. Бироқ реклама берувчиларнинг хоҳишини қондиришга киришиб кетган мутасаддилар реклама вақтини кенгайтириб борди. Олимпиададан тўғридан-тўғри намойиш этилаётган кўрсатувларни тўхтатишни иложи бўлмагач, унинг ичига реклама киритишдан бошқа илож қолмади. Мусобақалар намойишидаги узулишлар эса томошабинлар норозилигига олиб келмоқда.

Канадага яқин ҳудудда яшаётган америкаликлар мамлакатдаги спорт дастурларидан кўра, қўшни юрт телевидениеси кўрсатувларини афзал билди. Чунки Канада телевидениеси олимпиада ўйинларини намойишига ўн саккиз соат ажратган ва уларнинг аксарияти Сиднейдан жонли тарзда олиб кўрсатилмоқда.

### ИСПАН МОНАХЛАРИ АВСТРАЛИЯДА

Испания монахлари ўз спортчиларини қўллаб-қувватлаш борасида бошқалардан ажралиб туради. Сиднейдаги мусобақаларни кузатиш учун шахзода Филипе ва малика Кристина билан бирга қиролича София ҳам Австралияга жўнаб кетди.

Малика Кристинанинг олимпиадага боришдан мақсади гандбол бўйича Испания терма жамоаси аъзоси бўлмиш турмуш ўртоғи Иньяки Урданггарнинг қўллаб-қувватлашдир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, (ЎзА).**

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛМАДИ

Бухорода ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича Файзулла Хўжаев хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва қозоғистонлик 35 нафар ёш полвон ғолиблик учун курашди.

Беллашувлар ниҳоятда қизғин ўтди. Ўн олти вазн тоифасининг 12 тасида мамлакатимиз вакиллари ғолиб чиқишди. Турнирнинг махсус совринлари - «Энг яхши техника учун» ўзбекистонлик М.Облоқулов ва Ў.Тўраевга, «Ғалабага бўлган иродаси учун» эса қозоғистонлик С.Санаровга берилди.





## Касаба уюшма спорти

### ИШТИРОКЧИЛАР - ЕТТИ ЁШДАН ЕТМИШ ЁШГАЧА

Касаба уюшмалари меҳнат жамоаларида спортни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар бошқармасида маъмурият ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ходимлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спортнинг енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол, узунликка сакраш, югуриш турлари бўйича спартакиада ўтказиш одат тусига кирган.

Яқинда пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида соғлом авлод йилига бағишланган навбатдаги спартакиада бўлиб ўтди. Эркаклар ва аёллар, болалар 400 метрга югуриш, узунликка сакраш, арқон тортиш бўйича ўзаро мусобақалашдилар.

- Бу йил учинчи марта спартакиада мусобақаларида иштирок этмоқдаман, - дейди бошқарманинг Миробод туман бўлими бошқарувчиси ўринбосари Садриддин Аббосов. - Бизда спорт билан ёш болалардан тортиб, кекса ходимларимизгача шуғулланишади. Спартакиада эса ўзига хос спорт байрамига айланади.

Агар биринчи йили спартакиадада бошқарма тасарруфидаги бўлимларнинг 380 нафар ходими иштирок этган бўлса, бу йил улар сони қарийб 500 нафарга етди. Бу йилги тадбиримизда 18 команда иштирок этмоқда. Ўйлайманки, сафимиз янада ортади.

Биз суҳбатлашиб турар эканмиз, бир гуруҳ болажонлар қўлларида тўп билан келиб қолишди. 10-12 ёшли болалар ўртасида ўтказилаётган бу мусобақанинг энг ёш иштирокчисини суҳбатга тортдик.

- Мен Ҳабибулло Абдуллаевман, - деди улардан бири. - Ёшим 9 да. 6 ёшимдан бери мусобақада қатнашаман. Ўтган йили менга чиройли копток совға қилишди. Бу йил ҳам албатта биринчи бўлиб етиб келиб, мукофот оламан.

Мусобақа сўнггида томошабинларнинг фарзандлари ҳам югуриш мусобақасида иштирок этишиб, ҳар бир қатнашчига совғалар берилди. Беллашув якуний натижаларига кўра умумкоманда ҳисобида Яккасарой туман бўлими спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақа давом этмоқда.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**

## Тож талабгорлари

### ПИЛЬСБЕРИ

**Мамажон МУҲИТДИНОВ**

**(Давоми. Боши газетанинг 13 сентябр сонида)**

...Баногоҳ ақл бовар қилмайдиган воқеа юз беради - қолган 9 учрашувдан у атиги 1/2 очко олиб, 3-ўринга тушиб қолади. Бу кескин ўзгариш бедаво касаллик оқибатида рўй берган эдики, у 10 йилдан сўнг Пильсберини ҳаётдан олиб кетади.

Лекин шу ўн йил ичида у йирик турнирларнинг деярли ҳаммасида: Ньюрнбергда (3-4-ўрин), Будапештда (3-ўрин), Венада (1-2-ўрин), Лондонда (2-4-ўрин), Парижда (2-ўрин), Мюнхенда (1-2-ўрин), Монте-Карлода (2-ўрин), Ганноверда (2-ўрин), яна Монте-Карлода (3-ўрин) ўйнайди.

АҚШ чемпиони унвонини олади, ғойибона ўйин бобида зўр маҳоратини намойиш қилади. Пильсбери 1902 йили Москвада тахтага қарамай бир йўла 22 рақибга қарши сеанс ўтказиб, ўзига хос рекорд ўрнатади. 10 соат давом этган бу ғаройиб шахмат спектакли ҳозир бўлганларнинг олқиши ҳамда ҳайратига сабаб бўлади. Пильсбери фақат бир партияни ютқизиб, 17 тасини ютди ва 4 та дуранг қилди. Сеансдан сўнг унинг юзида чарчаш деган нарсанинг нишонаси ҳам кўринмасди. Бундай ўйин учун қанча асабий куч ҳамда бардам кўриниши учун қанчалик мардонаворлик керак бўлганини фақат кўпни кўрган шахматчилар биладилар!

Бу нарса бир марта бўлган бўлса майли эдия! Бироқ Пильсбери бунақа сеансларни ўн марталаб бошдан кечиради. 1898 йилнинг декабридан 1904 йилнинг февралигача у жами 40 та катта сеанс бериб, тахтага қарамай 666 та партия ўйнаган. Шундан 456 тасида ғалаба қозонган, 135тасини дуранг қилган ва 75 тасини ютқазган. Чинакамига ғаройиб натижа!

Бунинг устига ўйин пайтида Пильсбери ўзининг ғоятда зўр хотирасини намойиш қилишни ҳам уддалаган. Бундай сеансларнинг бирида 2 соатли ўйиндан сўнг у иштирокчиларга 30 тадан сўз ёзишни таклиф этиб, 10 минутдан кейин уларни тўғри ва тескари тартибда такрорлаганлиги маълум. Буларнинг ҳаммаси заиф организмни эговлаб борарди.

Пильсбери 1906 йил 17 июнда 34 ёшга тўлмай вафот этди.

У 12 йил шахмат фаолияти давомида 4 та миллий ҳамда 13 халқаро турнирда ўйнади. 317 турнир партиясидан 172 тасини ютди, 77 тасини дуранг қилди ва 68 тасини ютқазди. У яна 6 та матч ўйнаб жами +31-19=14 натижага эга бўлди.

Бироқ Пильсберига шахмат тарихида катта обрўли ўринни спорт ютуқларигина таъминламади. У шахмат санъатининг чинакам классиги эди.

Пильсбери ўзини Стейницнинг шогирди деб биларди. Лекин шогирд устозидан ўзиб кетди. У позициявий таълимотга «Актив динамик асос» тушунчасини киритди. Унинг ўйинида планли стратегия ажойиб комбинациялар билан уйғунлашиб борарди.

Пильсбери ёриб ўтишнинг буюк устаси эди. Ташаббусга, ҳужумга интилиш, унинг бутун ижодида манаман деб кўриниб туради. У ҳимояланишни ёқтирмасди - бу нарса унинг характерига зид эди. Агар унинг тадқиқотчилик фаолияти эслатиб ўтилмаса, америкалик шахматчининг ижодий портрети тўла намоён бўлмайди. Пильсберининг ижодий тафаккури бир қатор дебютларга жон киритди. Лекин у фарзин гамбитнинг таҳлилига айниқса, катта ҳисса қўшди, Кембриж-Спрингс варианти эса унинг шарофати билан қайта туғилди дейиш мумкин.

«Гениаль Пильсбери шахмат осмонида метеор янглиғ тез ўтиб кетди, - деб ёзган эди Тарраш. - Унинг энг яхши партиялари мисли йўқ янгилигию беназир гўзаллиги билан характерланади».

### МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

**Иккала тасвирда ҳам юриш оқлардан. Сиз қандай ўйнардингиз?**





## Ҳикоя

# АРСЛОН

*(Боши - ўтган сонда)*

Оллаберган эчкининг йўталишига ўхшаб кулди. Иккаласи меҳмонхонага ўтишди. Жумавой Оллаберган билан ҳамқишлоқ, Самарқанд кооператив техникумини ҳам бирга ўқиб битиришган. РайПОда ҳам товаршунос бўлиб бирга ишлашган эдилар.

Дилором дастурхон ёзиб, яхна кабоб билан аччиқ-чучук олиб келди. Қовурдоқ келгунча икки жўра бир шишани яримта қилишди. Оллаберган даврага келиб қўшилган Дилоромга ҳам бир пиёлага ароқ қуйиб узатди. «Ҳалиги гуноҳинг учун оласан, энди» деди у сирли боқиш билан. Жумавой сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин тилини тишлади. Хотини олдидаги пиёлани энгашиб олди-да, ўзининг пиёласи устига қуйди:

— Диля учун, ўзим. Унга мумкин эмас, қон босими бор. Бахтимга соғ бўлсин, - деди-да, Оллаберганнинг пиёласи билан чўқиштириб, кўтариб юборди. У Оллаберганни қучоқлаб ўйнаркан «Сендан ва Дилоромдан ўзга яқин одамим қолмади», дерди. Иккинчи шишада у маст бўлиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб Оллаберган Дилоромга ароқ қуйиб узатди. Бу гал Дилором қадақ сўзидан кейин уни кўтариб юбордию, ўрнидан туриб магнитафонни қўйди. Сўнгра Оллаберганга маъноли қараб: машинангиздаги ҳалиги лентани олиб келайми, деди. Кейин жавоб ҳам кутиб ўтирмай, ташқарига чиқди. У олиб келган тасмадан хонанданинг эҳтиросли овози хонани тўлдириб юборди:

Ҳеч кимни демасдан, мени десангиз.

Оқ сийнани кат қиламан, ётсангиз.

Жумавой маст бўлсаям, хуши ўзида эди. «Ахир Дилоромга нима бўлди. Бунақа одати йўқ эди-ку? Дўстлари, ошналари билан ўтирганда хонага бошини ҳам суқиб қарамасдан. Аслида унга ҳам осон эмас. Айни ўйнаб-куладиган пайти, у эса мажруҳ. Ўша фожеадан кейин у Дилоромга:

- Мени ногиронлар уйига ташлаб кел, сенинг бахтингни боғлаб ўтиришга ҳаққим йўқ, - деганида у йиғлаб юборганини эслади.

- Қайтиб бу гапни айтманг, ит ҳам жароҳатланган жуфтини ташлаб кетмайди,-деганди ўшанда у. Ахир биз инсонмиз-ку! Менга сиздан бошқа ҳеч ким керакмас, кўнглингизни тўқ тутаверинг, сизга хиёнат қилган куним шу уйдан ўлигим чиқади...

Базм эса қизигандан қизиб борарди. Оллаберган уч пиёлага ароқ қуйди. Пиёлалар бўшатилгач Дилором ўйинга турди, кейин даврага Оллаберганни тортди. Жумавой бошини ёстиққа ташлаб, чўлоқ оёқларини ҳам чўзиб юборди. Кўзларини юмди. Йўқ қалбидаги туғёнга дош беролмади, кўзлари очилиб кетди. Хотини ноз-карашма билан Оллаберганнинг қўлтиғининг тагида ўйнаётганини кўрди-ю, яна кўзларини юмиб олди. Ўйин тамом бўлгач, «чўлп» этган овоз эшитилди. «Ўпиб олди» - ўйлади Жумавой. Вужуди музлаб кетгандек бўлди гўё. Тишини тишига босди. Оллаберган пиёлага яна ароқ қуйди. Кейин у чўзилиб қолган Жумавойни туртди-да:

- Жумми, жўра, тур, қатордан қолма, бир пиёладан оламиз, - деди.

Дилором жим эди. Жумавой ўзини мастликка солди. Гўё Оллаберганнинг турткисидан уйғонгандек кўринди. Унинг қўлидаги ароқ тўла пиёлани олиб бир кўтаришда бўшатди ва бошини яна ёстиққа ташлади. Даҳшатли рашк мастликни емириб, унинг хушини ўзига келтираётганди. «Нега улар менга ароқни кўп ичиришаяпти. Муддаолари нима? Хотини, меҳрибон хотинжони, унга икки пиёладан кўп ичишни маън қилиб қўйганди-ку, бугун нега унинг парвойи фалак! Ахир хотини деб қўшни тумандан онасини, туғишган ака, сингилларини ташлаб, унинг хонадонига ичкуёв бўлиб кирган эди-ку. Онасиям, акасиям унинг бу ишига рўйхушлик бермагандилар. Лекин Жумавойнинг кўзи бошқа қизларни унча кўрмай қолганди. Дилором билан тасодифан автобусда танишгач, унга кўнгил қўйган, бутун вужуди билан ипсиз боғланиб қолганди. Дилором ҳам, унинг онаси Гулчеҳралар ҳам Жумавойни бир кўришда ёқтириб қолишди. Тўйларидан кейин айниқса Дилором эрини ўтказгани жой тополмади. Ҳар гал у ўқишга кетиш олдидан, туни билан ухламасдан, эрининг бўйнини қучоқлаб, йиғлаб чиқарди. Буни Жумавой Оллаберганга сўзлаб берганида у мийиғида кулиб:

- Соддасан-а, соддасан, хотинларни билмас экансан. Фақат икки ҳолатда: ўлим ёки маишат тўшагида ётгандагина улар меҳрибон ва мушфиқ бўлишади. Бошқа вақтда, эса... Мабодо хотининг билан ҳар кун бир тўшакда ётиб, унинг муддаосини ҳосил қилмас экансан, у барибир бир кун ҳиёнат кўчасига киради.

Шунда Жумавой курсдошига эътироз билдирганди.

Орада у РайПОга товаршунос бўлиб ишга кирди. Қайнотасидан қолган эски иморатни йиқитиб, ўрнида янгидан уй қурди. Боғ яратди. Қайнонаси вафот этгач, уйда Дилором иккаласигина қолди. Бир куни шаҳардан таксида келаётганида фожеа юз берди, иккала оёғидан ажралди. У касалхонада ётганида Дилором ҳар куни қатнади. «Бахтимга омон қолдингиз, умрим охиригача бошимга кўтариб, хизматингизни қиламан» - деди. Ҳамкасблари Дилоромни шу қишлоқдаги магазинга сотувчи қилиб ўрнаштиришди. Хотини ишга қатнай бошлагач, Жумавой тўрт-беш ойдан кейин хотинининг важоҳатида ўзгариш сеза бошлади. Энди эса... Эҳ! Оллаберган, сен бир пайтлари айтган гапингни исботлаш учун қилаяпсанми, бу ишни?!

Хотиралар рашкка қўшилиб қалбини кемираётган Жумавой, энди қалбаки ҳуррак отишга тушди. Шундан кейин рақсдан чарчаб, дам олишга ўтирганлар ўзларини янада эркинроқ тутабошлашди. Улар хиринг-хиринг кулишар, алланималар тўғрисида пичирлашарди. Бир пайт Жумавой уларнинг товушсиз туриб кетганларини пайқаб қолди. Дилором хонасининг қулфи секингина шиқирлаб, ичкаридан илинди.

Эй номард табиат, бевафо дунё! Қачон сенда инсоф бўлади? Шу қулфни у ҳис-ҳаяжон ичида қанча марта шиқирлатган! Энди бу қулфни бошқа бир одам шиқирлатмоқда. Жумавойнинг ўтдек ёнаётган вужудидан гўё чиқиб кетган каби туйди ўзини. Қулоқлари остида хотинининг «Сизга хиёнат қилган куним, шу уйдан ўлигим чиқсин», деган сўзлари жаранглаб кетди. «Болта қани!» - Жумавой дарғазаб бўлиб ён-атрофга олазарак боқди. Кейин уни Қулёрган бўйидаги оқ толнинг моясида қўйгани эсига тушиб, ташқарига чиқди. Ит дастлаб унинг ёғоч оёқларига ёпишиб суйканди. Кейин тик турди-да, икки оёғини унинг елкасига ташлади, шунда Жумавой итнинг худди одамдек йиғлаётганини кўрди. Беихтиёр бўшашиб кетди. «Эҳ, Арслон, Арслон!!! Қанчалик сезгирсана, ифлосларнинг ниятлари сенга илгаридан маълум экан-да, ғазабингни ичингга сиғдира олмай, тўрт томонга чопаётганингнинг боиси шу экан-да. Шунинг учун айтишаркан-да, Ит вафо, хотин жафо, деб.

Жумавой дарғазаб бўлганича, Қулёрган бўйига қараб юрди. Кўкдаги тўлин ой бостириб келаётган фожеадан ўзини олиб қолмоқчи бўлгандек қора булут остига кириб кетди. Совуқ шамол вужудини ялаб ўтди. Арслон гоҳ эгасининг юришига тўсқинлик қилар, гоҳ орқасига қараб вовуллаб қўярди.

Жумавой тўйлари бўлган йили Арслонни топиб олганди. Ўшанда қишлоқ болалари кучукчани эрмак қилиб Қулёрганга отишган, у эса жон-жаҳди билан қирғоққа интиларди. Шунда Жумавой болаларни койиб, кучукни уйга олиб келиб, қорнини тўйғазди, парваришлади, Арслон деб ном қўйди. Жумавой бахтсиз ҳодиса туфайли шифохонада бир ярим ой даволанганда, Арслон бино атрофидан жилмади.

Жумавой болтани қидириб, судралиб боракан, шуларни хаёлидан ўтказди. Кейин итига суркиниб, йиқилди. Чап томондаги ёғоч оёғи чиқиб кетди. У энди ёб томонга қараб, эмаклаб юрабошлади. Арслон эса ёғоч оёқни тишлаб, унинг ёнида борар, ҳамон эгасининг юришига тўсқинлик қилган сингари йўлини тўсарди. Жумавой тирмашиб, канал рошининг устига чиқиб олди-да, пешонасидаги терни артиб, орқасига қаради. Очиқ эшикдан тушган нур савлат тўкиб турган «Жигули» устида жилваланарди. Дилором хонасининг деразаси эса тунги денгиздек совуқ ва қоронғу эди. Шу тобда хиёнатчиларни ўз бағрига олган ўз уйи ҳам кўзига ёмон кўриниб кетди. У бирданига ҳаммасидан воз кечди. Дилоромни ўлдириш қароридан ҳам воз кечди. Ўзи меҳр қўйиб, уйланган хотинининг юзига кўзи тушишидан даҳшат босди: «Буларнинг барчаси энди менга ҳаром» деди у энди ўтган умрига хулоса ясагандек. Шундан кейин ёбга қараб эмаклай бошлади. Арслон эса эгасининг ниятини пайқабми шошиб қолди, ғалати товуш чиқариб, гоҳ Жумавойнинг кийимларини тишлаб тортар, гоҳ орқасига қараб вовуллаб қўярди. Лекин ит ожиз эди. Жумавой эмаклаганича, Арслонниям судраб, тунда шовуллаб шитоб билан оқаётган қўрқинчли Қулёрганга тимсоҳдек шўнғиб кетди.

**Эркин ЭРМАТОВ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.40

Буюртма Г— 824.

1 2 3 4 5 6